

«Ҳаж - 2022» мавсуми 18 июндан бошланади!



11:29 / 03.06.2022 1474

Аввал хабар берганимиздек, бугун «Ҳаж - 2022» мавсумига тайёргарлик кўриш юзасидан брифинг ўтказилди. Унда ҳаж сафарининг бошланиш куни ҳам маълум қилинди.

Ўзбекистон зиёратчилари шу йил 18 июнь куни «Uzbekistan Airways» авиакомпаниясининг сўнгги русумдаги замонавий ҳаволайнерлари орқали Саудия Арабистонига парвоз қилади. Муборак сафарга жўнаш авиақатновлари шу йил 30 июнга қадар давом этади.

Зиёратчиларимиз мамлакатимизнинг 7 та ҳудуди - Тошкент, Наманган, Самарқанд, Қарши, Бухоро, Урганч ва Нукус шаҳарларидан ташиш режа қилинган.

Барча рейслар тўғридан-тўғри Мадина шаҳрига амалга оширилади.

Маълумот учун, жорий йил 14-31 июль кунлари эса зиёратчиларимиз ушбу мамлакатдан юртимизга олиб келинади.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Матбуот хизмати